

Баха

## Ичимлик сув етказиб бериш тўғрисида

### ШАРТНОМА № 3

Яйпан шаҳар

“12” Январь 2022 йил

“Фаргона сувтаъминот” МЧЖ Ўзбекистон туман бўлими низомига асосан унинг номидан ҳаракат қилувчи корхона раҳбари А.Саримсаков бир томондан (бундан кейин таъминотчи) унинг номидан ҳаракат Ўзбекистон тумани ХТБ номидан низом асосида фаолият юритувчи бюджет ташкилот раҳбари Н.Сиддиқова иккинчи томондан (бундан кейин истеъмолчи) бўлиб қуйдаги шартномани туздилар.

#### УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.

1. **Таъминотчи истеъмолчига** 600 м<sup>3</sup> миқдорда 1545 сўм тариф бўйича ичимлик сув етказиб беради, миқдор истеъмолчига 600 м<sup>3</sup> миқдорда 1545 сўм тариф бўйича қабул қилади.
2. “Ўзбекистон Республикаси Коммунал сув таъминоти тармоқлари сув узатиш тизимларидан фойдаланиш қоидалари” га риоя қилган ҳолда фаолият кўрсатишни ўз зиммаларига оладилар. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси 9.08.1998 йилдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқи базаси тўғрисида” ги қонунига асосан амалда бўлади.
3. Энергия ресурслари ва бошқа моддий харажатларининг баҳоси ўзгарган ҳолларда сув таъминоти нархи тегишли тартибда ўзгариб туради.

#### 2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 2.1 Таъминотчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
- 2.2 Сув таъминоти узатиш тармоқларини қурилма ва иншоотларининг техник ҳолати ва тўғри фойдаланиш устида доимий назорат қилади.
- 2.3 Коммунал сув таъминоти тизмини тақидловчи нуқталарида белгиланган босимни сақлаб туришни таъминлаш.
- 2.4 Таъминотчи истеъмолчи айби билан сув тизмини авария ҳолатлари вужудга келганлиги ёки электр қувватини туман миқёсида ўчирилиши оқибатида сув билан таъминлаш тўла ёки қисман тўхтатилиши учун жавобгар бўлмайди.
- 2.5 Сув таъминоти тармоғининг сув ўтказиш қуввати камлиги ва сув танқислиги туфайли таъминотчи туман ҳокими билан келишилган жадвалига асосан сув бериш ҳуқуқига эга.
- 2.6 Истеъмолчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
- 2.7 Сув ўлчагич асбобини соз ҳолати ва унда ўрнатилган муҳрнинг бутунлигини сақлаш, носозликларни тамирлаш, бартараф этиш зарур вақтларда янғисига алмаштиришни ўз зиммасига олади. Улар ўрнатилган жойга таъминотчи ўз вақилини тўсиксиз киришини таъминлаш, барча сув ўлчови асбобларини носозликлари тўғрисида хабар бериш, бино сотиш, алмаштириш ёки бошқа сабабларга кўра сувдан фойдаланишни тохтатилиши тўғрисида 15 кун аввал таъминотчига хабар бериши, истеъмол қилган сувига тўлиқ ҳисоб-китоб қилиши шарт.
- 2.8 Техник шароит мавжуд бўлган ҳолларда ўз сув тармоқларига таъминотчи билан келишган ҳолда бошқа истеъмолчиларни улашга руҳсат бериш.
- 2.9 Ажратилган санитария зўнасида истеъмолчи ДСЭНМ ходимлари учун тўлиқ жавоб беради.
- 2.10 Истеъмолчи ичимлик суви учун техник шарт ва лойиҳа ҳужжатлари бўлиши шарт.

#### 3. ШАРТНОМАНИ БАҲОСИ.

##### 3.1 Шартномани баҳоси.

1- чорак 927 000 сўм (туққиз юз йигирма етти минг сум) (Сўз билан) €

#### 4. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

- 4.1 Истеъмолчи тамонидан ишлатилган сув ўлчагич асбобини кўрсаткичларига кўра аниқланади. Ичимлик суви сарфига кўра аниқланади. Аниқланган сув ҳажмига асосан белгиланган тариф бўйича ҳисоланган тўловни 100% олдиндан тўланади. Охириги тўлов ой якунида ҳисоб-китоб қилинади.
- 4.2 Сув ўлсов асбоблари ўрнатилмаган ҳолларда ишлатилган сув миқдори Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган ўртача сув меъри сув қувири қўндаланг қисими, юзаси бисобланади. Сув ўлчов асбоблари ўранитмаган билан ичимлик суви билан тармоққа суғриши, автомобил ювиш ва бошқа руҳсат этилмаган мақсадларда ичимлик сувидан фойдаланиш ёки сантехника асбобларининг фактлари аниқланган ҳолларда сув миқдори сув қувирининг қисми бўйича қунига 24 соат давомида сув олинган ҳисобланиб ундирилади.
- 4.3 Агарда миқдорни ўлчагич асбоблари ишламаса муҳри бузулса ойнаси синас ёки ичимлик сувидан ўғиринча фойдаланилса, ичимлик суви миқдори Ўзбекистон Республикаси уз қамунал хизмат агентлиги 1994 йил 16-сентябдаги № 194 сонли буйруғига асосан қуйдаги формула билан асосланади  $0=2,65 \text{ ВТН}$
- 4.4 Миқдор сув ўлчагични хар йили бир марта техник давлат стандарти аўригидан ўтказиш шарт.

#### 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1 Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган таризда жавобгардирлар.

Кўриб чиққан юрист: UTANOV MO'MINJON VALIJONOVICH. Ҳужжат рақами: QR4643748045



5.2 Истеъмолчи таъминотчи хизматлари учун аниқланган тўловларни ўз вақтида амалга оширмаса хар бир кечиктирилган куни учун истеъмолчилардан тўлов миқдорини 0,4% миқдорда “Таминотчига” пеня тўлайди, бунда пеняни умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50% дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

5.3 “Истеъмолчи” белгиланган тўловни 1 ой миқдорда кечиктирган холларда таъминотчи сув тармоғини узиб қўйиш ҳуқуқига эга.

5.4 “Таъминотчи” “Истеъмолчи” нинг олдиндан маблағи бўлган холда товарни белгиланган муддатда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган хар бир кун учун шартномада кўрсатилган сумманинг 0.5% миқдорда “Истеъмолчига” пеня тўлайди, лекин пеня миқдори шартнома кийматининг 50% дан ошмаслиги керак.

5.5 Таъминотчи мавсуми сув танқислиги туфайли ичимлик суви етказиб бермаган кунлари учун тузилган далолатномалар асосидатўлов миқдорини белгиланган тартибида қайта кўриб чиқади.

5.6 Шартнома талабларида кўрсатилган сифатларидаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса, айибдор тараф 5% миқдорда жарима тўланади.

## 6. ШАРТНОМА ТУЗИШ ВА АМАЛ ҚИЛИШ ҚОЙДАЛАРИ.

6.1 Мазкур шартнома бир хил юридик кучга ега бўлган икки нусхада тузилади ва шартнома ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга киради. Иккинчи нусхаси эса таъминотчида сақланади.

6.2 Мазкур шартнома “12” январь 2022 йилдан “31” март 2022 йилгача амал қилади.

6.3 Тамонлар ўртасида вужудга келган ва ўзаро келишувнинг имкони бўлмаган холда низомлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларга мувофиқ хал қилинади.

6.4 Шартнома муддати тугаганидан сўнг, истеъмолчи таъминотчига шартнома муддатини узайтириш учун ёзма маълумот ёки қайта шартнома тузиш учун келишилганлиги шарт.

## 7. ФОРС МАЖОР ХОЛАТЛАРИ.

7.1 Шартномага амал қилиш муддатларидан. Тамонларнинг хошиш иродасига мос бўлмаган ҳолатлар (табiiй офатлар, уриш ҳаракатлари, оммавий тартибсизликлар ҳукумат қарорларига асосан ҳаракат ёки фаолият чекловлари ва ҳокозо) юзага келган тақдирда тамонлар жавобгарлиги соқит этилади.

7.2 Форс мажор ҳолатларини кириш тугатилиши тўғрисида тамонлар бир бирларини 15 календар кунидан олдин зудлик билан хабардор қиладилар.

7.3 Форс мажор ҳолатлари тугатилгач шартнома ижроси тугатилиши мумқун.

7.4 Ичимлик суви етказиб бериш Таминотчи ни хошиш иродасига боғлиқ бўлмаган чекланган тақдирда (унинг юқори ташкилотлар ёки бошқа ташкилотлар чеклови) Таминотчи жавобгар бўлади.

## 8. НИЗОЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ.

8.1 Шартномани тузиш ва ижро давомида келиб чиқадиган барча низолар тамонлар келишувига асосан бартараф этилади.

8.2 Келиб чиққан низолар юзасидан тамонлар келишувга келмаган тақдирда жавобгар жойлашган худуд Ҳуқуқий органлар тамонидан хал этилади.

8.3 Тамонлардан билдирилган эътирозномаларга ёки тақдим қилинган далолатномалар 10 кун муддатда ёзма равишда жавоб қайтарилмаган тақдирда эътирозномаларга ёки далолатномалар тан олинган деб ҳисобланади ва кейинги ҳисоб китоблар учун асос бўлади.

## 9. ТОМОНЛАРНИ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ.

«Таъминотчи»

“Фарғона сувтаъминот” МЧЖ Ўзбекистон туман бўлими

Манзили: Ўзбекистон тумани Тўрқистон №206

Тел.факс: 53-91-959 х\р:22638000500194935463

Банк: Ипотека банк Фарғона филиали

ИНН 200144908

МФО 00544

ОКОНХ: 91530

“Фарғона-сувтаъминот” МЧЖ Ўзбекистон туман бўлими  
раҳбар: А. Саримсақов



Истеъмолчи: Ўзбекистон тумани ХТБ

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзили: Ўзбекистон тумани Яйпан шаҳар зиёкор 102

ш\х № 100022860302307096100075011

бюджетдан маблағ олувчининг СТИРИ : 200189130

ОКОНХ: 97600

Ғазначилик бўлинмаси номи Ўзбекистон тумани

Ғазна х\в 23402000300100001010

Банк номи Марказий банк Тошкент ш ХККМ МФО 00014

Ғазначилик бўлинмаси СТИРИ 201122919

Раҳбар:

Н.Сиддикова

М.У







**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI**  
FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI  
O'ZBEKISTON TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

151800, O'zbekiston tumani, Ziyokor ko'chasi, tel.: (998 73) 539 15 38,  
www.farg'ona.adliya.uz, el.pochta: uzbekiston.t-yurmarkaz@adliya.uz

2022-yil 17-yanvar.

Yaypan shahri.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING  
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

1. Loyihaning turi: Shartnoma
2. Loyihaning mazmuni: Byudjetdan mablag' oluvchi tashkilotlarni tabiiy ichimlik suvi bilan ta'minlash bo'yicha.
3. Loyihani ishlab chiqqan tashkilot: Xalk ta'limi bo'limi.
4. Loyiha 12.01.2022-yil kuni ishlab chiqilgan va 14.01.2022-yil kuni markazga taqdim etilgan.

Shartnoma loyihasida O'zbekiston tuman Xalk ta'limi bo'limiga "Farg'ona suvta'minot" MChJ tomonidan 2022-yil 1-choragi davomida 1545 (bir ming besh yuz qirq besh) so'm tarif bo'yicha umumiy qiymati 927 000 (to'qqiz yuz yigirma etti ming) so'mni tashkil etuvchi 600 m<sup>3</sup> (olti yuz kubometr) tabiiy ichimlik suvi etkazib berish nazarda tutilgan.

O'zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi O'RQ-684 sonli qonunining 71,72-moddalarida davlat buyurtmachilariga Yagona etkazib beruvchi bilan to'g'ridan-to'g'ri shartnomalar tuzish mumkinligi ko'rsatilgan.

Yuqoridagilarga asosan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 29.06.2021-yil kungi PQ-5168 sonli qaroriga qo'llanib,-

**X U L O S A**

O'zbekiston tuman Xalk ta'limi bo'limi tomonidan taqdim etilgan 12.01.2022-yil kungi 3-sonli shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilikka muvofiq ishlab chiqilgan.

**O'zbekiston tuman YXKM**  
bosh yuriskonsul'ti



M.Utanov